Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил "_6_" мартдаги
_178_ –сонли қарорига 1-илова

Тошкент вилояти Қуйичирчиқ туманда 2017 йил пахта ҳосилини етиштириш ва шартнома мажбуриятларини бажаришда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни келгусида бартараф этиш чора-тадбирлари
ДАСТУРИ

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	1. Фермер хўжаликларининг фаолиятини такомиллаштириш ва ер майдонларини мақбуллаштириш			
1	Туманда 2017 йил декабрь, 2018 йил январ ойларида барча йўналишдаги фермер хўжаликларининг ер майдонларини мақбуллаштириш. Тумандаги 4 та сектор раҳбарлари томонидан назорат ўрнатилмаганлиги, мутасадди идоралар раҳбарларининг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида шартномавий 35100 тонна режа ўрнига, 19609 тонна пахта топширилиб, режа 55,8 фоизга бажарилган ёки 435 та фермер хўжаликлари томонидан 15491 тонна кам пахта топширилиши натижасида 29,0 млрд 510 млн.сўм даромад олинмай қолган. Шундан туман ҳокими секторида 161 та (5954 тонна), туман прокурори секторида 106 та (3933тонна), туман ички ишлар бўлими бошлиғи секторида 104 та (3614 тонна), туман Давлат солиқ инспекцияси	Шартномавий режаларини бажармаган 2017 йилда пахта ҳосилини етиштириш бўйича контрактация шартномаларини бажармаган, ер майдонидан самарасиз ва мақсадсиз фойдаланган, зарар билан чиққан "қолоқ" фермер хўжаликлари раҳбарларининг ҳисоботини Халқ депутатлари туман Кенгашида эшитиб, келтирилган зарарни ихтиёрий қоплаш, қопланмаган қисмини мажбурий ундириш, ер-ижара шартномасини бекор қилиб, туман ҳокимлиги захирасига олиш; Туман ҳокимлиги захирасидаги ер участкаларига эгалик қилишга талабгорларни ҳар томонлама ўрганиб чиқиб, амалда белгиланган тартибда, ер ижара шартномаларини тузишни ташкил этиш, 2018 йил ҳосили учун ғалла, пахта ва бошқа экинлар экиш ва етиштириш бўйича экинларни адолатли жойлаштирилган режаларини тақдим этиш ва ўзфаолиятларини	2018 йил март 2018 йил март 2018 йил март	Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги, Халқ депутатлари туман Кенгаши

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	бошлиги секторида 64 та фермер хўжаликлари томонидан 1990 тонна пахта хом ашёси етказиб берилмаган.	юритиш учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш.		
	2. Агротехник тадбирларни ўтказиш ва ташкил этиш борасида			
2	Туманда қолоқ ғўза майдонларида агротехник тадбирлар ўтказилишига фермер хўжаликлари раҳбарлари томонидан етарлича эътибор берилмаслиги, далаларда ишчилар учун шароитларнинг яратилмаганлиги, айни вегетация даврида далада ишчиларнинг етишмаслиги сабабли, ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ва суғориш ишлари кечикиши натижасида 12 та фермер хўжаликларининг 377гектар майдон-ларида ягоналаш, 189 та фермер хўжаликларининг 3646 гектар майдонларида бегона ўтлардан тозалаш, 16 та фермер хўжаликларининг 138 гектар майдонларида чилпиш тадбирларини ўз муддатида ўтказилмаганлиги натижасида жами 1703,1 тонна (жумладан, туман ҳокими секторида 490,5 тонна, туман прокурори секторида 378 тонна, туман ички ишлар бўлими секторида 498 тонна, туман давлат солиқ инспекцияси секторида 337 тонна) ёки 4,8 фоиз пахта ҳосили йўқотилган.	Туманда 5670 гектар ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш мақсадида 2018 йилда жами 301 км зовурларни тозалаш, шундан хўжаликлараро 101,5 км ва ички зовурлар 199,5 км тозалаш. 1 км лоток тармоқларини таъмирлаш, 22,3 км сув йўлларини тозалаш ва 8 дона гидроиншоотларни таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2018 йил март-декабрь 2018 йил март-декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят Қишлоқ ва Сув хўжалиги бошқармалари

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
3	Туманда Дўстлик, Абай, Юлдуз ҳудудларидаги 86 та фермер хўжаликларининг 1721 гектар майдонида сув таъминоти оғир.“Аккуйсуйген” СИУ балансидаги 22,4 км, “Ангрен сув” СИУ балансидаги 26,2 км бўлган ички ариқ-зовурларнинг бир неча йиллар давомида тозаланмаганлиги, лотокларнинг бузилиши, сув иншоотларининг эскириб қолганлиги натижасида 563 тонна режадаги ҳосил етиштирилмаган.	“Аккуйсуйген” СИУ, “Ангрен сув” СИУ ва фермер хўжаликлари ўз маблағлари ҳисобидан тозалаш.	2018 йил март-декабрь	Сув хўжалиги вазирлиги, Марказий Банк Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги
4	Туманда жорий йилнинг июл ва август ойларида об-ҳавонинг кескин исиб, ўртача ҳаво ҳароратининг 45-51 даражага кўтарилиши натижасида тумандаги Абай, Дўстлик, Юлдуз, Ўжакент ҳудудларда ғўзанинг 3-4 та ҳосил элементлари тўкилиши кузатилиб, ҳосилдорлик 5-6 ц/га пасайганлиги оқибатида 640 тонна (жумладан, туман хокими секторида 640 тонна) ёки 1,8 % пахта ҳосили йўқотилган.	Белгиланган агротехник тадбирларни ўз муддатларида ўтказиш.	2018 йил март-декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Республика Кенгаши, “Ердавгеодезкадастр” қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги
5	Туманда ғўзани балл бонитети паст (32-38), сув билан етарли таъминланмаган ва кам ҳосилли (15-20 ц/га) ерга жойлаштириш оқибатида 2932 гектар майдонлардан бор йўғи 8-12 центнер ҳосил олинган ва ҳар гектаридан 2,3 млн.сўм зарар кўрилган.	Туманда 2018 йил ҳосили учун балл банитети паст бўлган 2932 гектар ер майдонларига бошқа экинлар. Жумладан, 250 гектар шоли, 100 гектар соя ва 50 гектар сабзавот ва полиз экинларини жойлаштириш.	2018 йил март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги, Ер ресурслари ва давлат кадастр бошқармаси

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
6	Туманда пахта экиш бўйича шартномалар тузган 497 та фермер хўжаликларининг 12690 гектар пахта майдонларига минерал ўғитлар тўлиқ чиқарилган.	"Ўзагрокимёхимоя" АЖ туманда экилган пахта майдонига ажратилган меъёр бўйича минерал ўғитларни тўлиқ берилишини таъминлаш, олинган ўғитларни фермер хўжаликлари кесимида мониторинг юритиш.	2018 йил март-декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзагрокимёхимоя" АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги
7	Туманда жорий йилда 123 та фермер хўжаликларининг 153 гектар майдонида ўргамчаккана ва 253 гектар ғўза майдонида кўсак қурти зараркунандалари билан зарарланиши натижасида жами 759 тонна пахта ҳосили йўқотилган. Туманда 2018 йилда: - **кўсак қурти** тарқалиши башорат қилинган майдон 3100 гектар. - **шира-трипс** тарқалиши башорат қилинган майдон 3500 гектар. - **ўргамчаккана** тарқалиши башорат қилинган майдон 4200 гектарни ташкил этади.	Тумандаги мавжуд 2 та биолаборатория негизида барча қулайликларга ва шароитга эга бўлган 2 та биофабрика ташкил этиш ҳамда унинг фаолиятини мувофиқлаштириш учун туман пахта тозалаш корхонасига бириктириб бериш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида керакли асбоб-анжомлар ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш. Талаб бўйича 81,1 млн сўмлик, шундан 61 тонна арпага 39,7 млн.сўм, 2,97 тонна шакарга 19,3 млн.сўм, 0,95 тонна мервага 9,5 млн сўм, 0,9 тонна маргаринга 9 млн.сўм, 0,9 тонна мева қоқига 3,6 млн.сўм маблағни ҳал этиш.	2018 йил март	"Ўзагрокимёхимоя" АЖ, Тошкент вилояти ҳокимлиги
8	Туманнинг Ўзбекистон, Хамзаҳудудида суғориладиган 7 та фермер хўжаликларининг мавсумда лотоклари бузилганлиги, ички ариқлар тозаланмаганлиги, етарли даражада сув таъминлаб берилмаганлиги сабабли 225 гектар майдонларда 4-5 ц/га хосил элементларини йўқотиш ҳисобига	Туманда Ўзбекистон, Хамзаҳудудида жойлашган 10 км лотокларни капитал қурилиши (қайта тиклаш) учун 1 млрд. 300 млн.сўм маблағ ажратиш. Тумандаги мавжуд 301 км коллекторларни таъмирлаш-тиклаш учун 4 млрд. 214 млн. сўм ажратиш. Туманда 62,8 млн.сўмлик эксплуатация	2018 йилда март-декабрь 2019 йилда март-декабрь 2018 йилда	Сув хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилояти хокимлиги, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	280 тонна ёки (0,8 %) га пахта хосили йўқотилган.	маблағлари ҳисобидан 22,3 км суғориш тармоқларини таъмирлаш; 586,1 млн.сўм маблағ эвазига СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 708 км суғориш тармоқларини таъмирлаш; Туманда 72,4 млн.сўмлик эксплуатация маблағлари ҳисобидан 25,7 км суғориш тармоқларини таъмирлаш; 697,2 млн.сўм маблағ эвазига СИУ ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги 716,2 км суғориш тармоқларини таъмирлаш;	март-декабрь 2018 йилда март-декабрь 2019 йилда март-декабрь	
	3. Фермер хўжаликларининг техника таъминотини яхшилаш, янги замонавий техника ва қишлоқ хўжалиги қуролларини харид қилиш, мавжуд техникалардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича			
9	Туманда 48 та ҳайдов тракторлари мавжуд бўлсада, 2803 гектар майдон туман захира фондида бўлганлиги сабабли (жумладан, туман хокими секторида 810 гектар, туман прокурори ҳудудида 520 гектар, туман ички ишлар бўлими бошлиғиҳудудида 784 гектар,туман давлат солиқ инспекцияси секторида 689 гектар) майдонда шудгорлаш ишлари муддатидан кечиктириб, сифатсиз ва саёз ўтказилганлиги натижасида 2115 тонна, 52 та (жумладан, туман ҳокими секторида 16 та, туман прокурори секторида 10 та, туман ички ишлар бўлими бошлиғи секторида 13 та ва туман солиқ инспекцияси бошлиғи секторида 13 та) чопиқ тракторлари ва культиваторлар жисмонан эскирганлиги	Тумандаги МТП ва фермер хўжаликлари балансида мавжуд техникаларини қайта хатловдан ўтказиш, жисмонан эскирганларини ҳисобдан чиқариш; Туманда етишмайдиган хайдов тракторларни лизинг орқали олиш учун фермер хўжаликларининг ер майдонлари кичик бўлганлиги сабабли, туман “Агротехсервис МТП МЧЖ” ҳисобига олиш мақсадга мувофиқ. Туманга юқори унумли янги 30 дона ҳайдов тракторлари, 30 та омоч,84 та чопиқ трактори 84 та культиватор, 55 та чигит экиш сеялкалари, тишли борона 460 дона ва 52 дона чилпиш мосламаларини сотиб олиш бўйича	2018 йил март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Тошкент вилоят ҳокимлиги, вилоят Қишлоқ хўжалиги бошқармаси

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
	сабабли ғўза қатор ораларига ишлов бериш, ғўзани озиқлантириш ишлари кечиктириб ўтказилганлиги оқибатида 720 тонна жами 2835 тонна (жумладан, туман ҳокими секторида 838 тонна, туман прокурори секторида 521 тонна, туман ички ишлар бўлими секторида 786 тонна ва туман солиқ инспекцияси секторида 690 тонна) пахта хом-ашёси етиштирилмаган.	топшириқ ижросини таъминлаш.		
	4. Фермер хўжаликларининг молиявий ҳолатини яхшилаш ва ҳисоб-китоб масалалари бўйича			
10	2017 йил 1 декабрь ҳолатига хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи корхоналардан фермер хўжаликларининг қарздорлиги 13 млрд. 21 млн.сўмни ташкил этади. Жумладан: "Агрокимёхимоя" 10 млрд. 065 млн. сўм нефт махсулотлари 1 млрд. 837 млн.сўм "Агросервис МТП" МЧЖ 1 млрд. 116 млн сўм. - электр тармоқлари 2,8 млн сўм.	Фермер хўжаликларига хизматлар кўрсатилиши ва маҳсулот етказиб бериш ҳамда мавжуд қарздорликларни камайтириш мақсадида: фермерлар кесимида "Сарф-харажатлар ва хисоб-китоб мониторинги" ҳамда "Агро-техник тадбирларни бажариш технологик картаси"ни электрон онлайн тизимини жорий этиш орқали "Мониторинг маркази" фаолиятини янада такомиллаштириш.	2018 йил 1-чорак	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технология ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиг, Тошкент Давлат Аграр Университети
11	"Агробанк" АТБ Қуйичирчиқ филиали томонидан мижози бўлган пахта етиштирувчи фермер хўжаликларига 2017 йил ҳосили учун меъёр бўйича ажратиладиган 23,3 млрд. сўм имтиёзли кредит маблағлари ажратилган. Бугунги кунда 315 та фермер хўжаликлари томонидан 7,6 млрд сўм имтиёзли кредитлар қайтарилмаган.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш Жамғармаси томонидан ҳар бир фермер хўжаликларига меъёрлар асосида маблағларни ажратилишини доимий назорат қилиш тизимини қайтадан кўриб чиқиб "огоҳлантирувчи тизим"да такомиллаштириш чоралари белгилаш.	2018 йил март	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ахборот технология ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг давлат хариди ва қишлоқ хўжалигини

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
				техника билан жиҳозлашни мақсадли молиялаштириш Жамғармаси, Марказий банк, Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги
	5. 2018 йилда қишлоқ хўжалигида амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар			
12	2018 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни қайта кўриб чиқиш.	Туман ҳокими бошчилигида ташкил этилган ишчи гуруҳ томонидан фермер хўжаликларининг ягона рўйхати, ғалла, пахта ва бошқа экинларни оқилона жойлаштириш ва ер балл бонитети, ернинг мелиоратив ҳолати васув билан таъминланиш даражаси қараб ҳосилдорликларни белгилаш.	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги
13	Тумандаги мавжуд ер майдонларини қайтадан тўлиқ хатловдан ўтказиш.	Туманда фаолият юритиб келаётган барча йўналишлардаги фермер, агрофирма, МЧЖ ва ёрдамчи хўжаликларга ижарага берилган ер майдонларини хатловдан ўтказиш.	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман Ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими
14	Туманда 2018 йил ҳосили учун белгиланган агротехник тадбирларни ўтказиш учун захиралар яратиш	Нефт маҳсулотлари, уруғлик, минерал ўғит, биомаҳсулотлар, кимёвий препаратлар захираларини яратиш.	2018 йил март	Тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар
15	Тумандаги сув таъминоти оғир бўлган ҳудудлар ва фермер хўжаликларига масъул вакиллар бириктириш.	Тумандаги сув таъминоти оғир бўлган 86 та фермер ва ёрдамчи хўжаликларига, туман ирригация бўлими мутахассислари ва ҳудудий мироблардан масъуллар бириктириш.	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман ирригация тармоқлари бўлими

№	Йўл қўйилган камчиликлар ва мавжуд муаммолар	Бартараф этиш тадбирлари ва таклифлар	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар
16	Тумандаги техника таъминоти оғир бўлган фермер хўжаликларига, туман МТП МЧЖдан масъул вакиллар бириктириш.	Тумандаги техника таъминоти оғир бўлган Абай, Мехнатобод, Ўжакент, Юлдуз, Пахтачи хамда Отажонов ҳудудларидаги фермер хўжаликларига, туман МТП АЖдан масъул вакиллар бириктириш.	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман қишлоқ хўжалиги бўлими, туман МТП АЖ
17	Тумандаги ҳар бир фермер хўжаликларига раҳбарлари ўзига ишчи, сувчи, механизаторлар олиш ва иш ҳақи билан таъминлаш.	Тумандаги ҳар бир фермер хўжаликлари ҳар бир гектар пахта майдонига 1 тадан, ҳар 5 гектар ғалла майдонига 1 тадан ишчи, олиш ва иш ҳақи билан таъминлаш.	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман Фермер, деҳқон ва томорқа ер эгалари кенгаши
18	Туманга Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан масъул вакил бириктириш.	Тумандаги 14 та ҳудудларга туман ҳокимининг масъул вакилларини бириктириш	2018 йил март	Қуйичирчиқ туман ҳокимлиги